

ЖАМОАТНИНГ ФАЗЛИ ҲАҚИДА

05:00 / 04.01.2017 7180

Аллоҳ таоло: «Ва қачон уларнинг ичида бўлсанг ҳамда уларга намозни қоим қилсанг, улардан бир тоифаси сен ила турсинлар», деган.

Шарҳ: Ушбу оятда Аллоҳ таоло хавф бўлиб турганда ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни жамоат намози ўқишга амр қилмоқда.

Бундан тинчлик пайтида жамоат намоз ўқиш зарурлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг жамоат ила ўқиган намози унинг уйидаги ва бозоридаги намозидан йигирма беш баробар кўп бўлади. Бундоқ бўлишининг сабаби, қачон у яхшилаб таҳорат қилса, сўнгра масжидга чиқса. Уни масжидга намоздан бошқа нарса чиқармаган бўлса, босган ҳар бир қадимида, албатта, бир даража кўтарилиб, бир гуноҳ ўчирилади. Бас, қачон намоз ўқиса, мадомики намозгоҳида турар экан, агар таҳорати кетмаган бўлса, фаришталар унга саловот айтиб туради.

«Эй, бор Худоё, унга саловот юборгин. Эй, бор Худоё, унга раҳм қилгин», дейдилар. Сизлардан бирингиз мадомики намозга интизор бўлар экан намозда турган ҳисобаланади», дедилар». Бешовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда жамоат намозининг фазилати очиқ-ойдин рақам билан кўрсатилмоқда. Нима учун жамоат намози фазилати бўлиши ҳам баён қилинмоқда.

Жамоат билан намоз ўқиган одам ёлғиз ўзи намоз ўқиган одамга қараганда йигирма беш марта кўп савобга эга бўлар экан.

Бундоқ бўлиши сабаби қуйидагилардан иборат экан:

1. Жамоат намози ўқиган одам яхшилаб таҳорат қилиб, масжидга чиқади. Унинг нияти соф бўлади. Масжидга боришдан жамоат намози ўқишдан бошқа мақсадни кўзламайди. Шунинг учун, босган ҳар қадимда мартабаси

бир даража бир гуноҳи ўчирилади.

2. Жамоат билан намозни ўқиб бўлиб, таҳоратини кетказмай намозгоҳида турса фаришталар унга саловот айтадилар. Бу ҳам, намозини ёлғиз ўзи уйида ўқиса ҳосил бўлмас эди.

3. Жамоат намозини ўқиб бўлиб кейинги намозга интизор бўлса, худди намоз ўқиётган одамнинг савобини олади. Бу ҳам ёлғиз намоз ўқиган одамга ҳосил бўлмайди.

Демак, намозни жамоат билан ўқишнинг ўзиёқ инсон оладиган савобларнинг ўз-ўзидан кўпайиб кетишига савоб бўлар экан.

Шунинг учун, жамоат намози ҳар биримизнинг ҳаётимиздан муносиб ўрин олмоғи керак.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир», дедилар». Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Демак, жамоат намозининг фазли гоҳида йигирма беш, гоҳида йигирма етти даража устун бўлар экан. Бундай фарқ, масжиднинг узоқлиги, намозхоннинг ихлоси ёки имомнинг тақвосига боғлиқ бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам жамоат билан намоз ўқиш жуда керакдир.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг намоздан энг катта ажр оладигани юриб келиши узоқ бўлгандир. Имом билан намоз ўқишга интизор бўлганнинг ажри намозни ўқиб бўлиб ухлаганнинг ажридан улуғдир», дедилар». Учовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳам жамоат намозининг фазлини кўрсатади. Киши жамоат намозига қанча узоқдан келса, шунча кўп савоб олади. Имом билан жамоат намозини ўқишни кутиб ўтирса ҳам савоб олади. Шунинг учун ҳам доимо жамоат билан намоз ўқишга ҳаракат қилишимиз керак.

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Хуфтон намозини жамоат ила ўқиса, худди кечасининг ярмини ибодатла бедор ўтказгандек бўлади. Ким Бамдод намозини жамоат билан ўқиса, худди кечанинг ҳаммасини намоз ўқиб ўтказгандек бўлади», дедилар». Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Охирги иккисининг лафзи қуйидагича: «Ким Хуфтон намозига жамоат ила ҳозир бўлса, унга кечанинг яримини бедор ўтказгандек бўлар. Ким Хуфтон ва Бамдодни жамоат ила ўқиса, унга кечани бедор ўтказгандек бўлур».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Хуфтон ва Бамдод намозларини жамоат ила ўқишга алоҳида тарғиб қилинмоқда. Чунки, бу икки намоз кишилар дам олишни, ухлашни хоҳлаган вақтларда бўлади. Ана ўша ҳавои нафснинг хоҳишларини енгиб жамоат ила Хуфтон ва Бамдод ўқиш кечани бутунлай намоз ўқиб ўтказиш савобига тенглаштирилмоқда. Ушбу икки намознинг ҳар бири жамоат билан ўқилса кечанинг яримини намоз билан ўтказишга тенглаштирилмоқда.

Бу маъно Абу Довуд ва Термизий келтирган лафзда яна ҳам аниқроқ намоён бўлади: «Ким Хуфтон намозига жамоат ила ҳозир бўлса, унга кечанинг яримини бедор ўтказгандек бўлар. Ким Хуфтон ва Бамдодни жамоат ила ўқиса, унга кечани бедор ўтказгандек бўлур».

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз бу икки намозни жамоат билан ўқишга ҳаракат қилишимиз керак.

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кишининг бошқа бир киши билан ўқиган намози, ёлғиз ўзи ўқиган намозидан кўра афзалдир. Унинг икки киши билан ўқиган намози бир киши билан ўқиган намозидан афзалроқдир. Қанчалик кўпайса, Аллоҳ азза ва жалла учун шунчалик маҳбубдир», дедилар». Сунан эгалари ва Аҳмад ривоят қилган. Ибн Хузайма, саҳиҳ, деган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, мусулмон инсон иложи борича кўпроқ киши ила намоз ўқишга ҳаракат қилмоғи керак. Жамоат қанчалик катта бўлса савоби шунчалик кўп бўлади. Ҳатто бир кишига кўп бўлса ҳам шунча яраша фарқли бўлади. Шунинг учун доимо кўпчилик бўлиб намоз ўқишга ҳаракат қилишимиз керак.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят: «Бир тонгда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бамдод намозидан ушланиб қолдилар. Ҳаттоки, қуёш кўзини кўрай деб, қолдик. Сўнгра шошилиб чиқдилар ва намозга турилди. Намозни енгил қилиб ўқидилар. Салом берганларидан кейин овозларини баланд кўтариб: «Сафларингизда қандоқ турган бўлсангиз шундоқ туринглар», дедилар. Сўнгра биз томонга бурилдилар ва: «Энди мен сизларга мени бу тонгда нима тутиб қолганини айтиб бераман. Мен кечаси туриб таҳорат қилдим ва муяссар қилганича намоз ўқидим. Сўнгра намозимда мудраб қолибман, бир оз оғирлашдим. Бир вақт қарасам... Роббим табарока ва таоло ҳузурида энг гўзал сувратда турибман. Бас, У зот: «Эй, Муҳаммад!» деди.

«Лаббайка Роббим», дедим.

«Малаъул Аъло нима ҳақида тортишмоқда?» деди.

«Билмасам», дедим. (Уч марта шундоқ дейилди). Кейин кафтини икки курагим орасига қўйганини кўрдим ва бармоғи учларининг совуқлигини икки эмчагим орасидан ҳис қилдим. Бас, менга ҳар бир нарса тажалли қилди ва ҳаммасини танидим. Бас, У зот: «Эй, Муҳаммад!» деди.

«Лаббайка Роббим», дедим.

«Малаъул Аъло нима ҳақида тортишмоқда?» деди.

«Гуноҳларни ювувчи нарсалар ҳақида», дедим.

«Улар нималардир?» деди.

«Яхшилик ишлар томон қадам босмоқлик. Масжидларда намоздан кейин ўтирмоқлик. Қийинчилик пайтида таҳоратни яхшилаб қилмоқликдир», дедим.

«Яна нима ҳақида (тортишмоқдалар)?» деди.

«Таом беришлик, юмшоқ сўз бўлишлик, кечаси одамлар ухлаб ётганда намоз ўқишлик ҳақида», дедим.

«Сўра! Эй, бор Худоё, албатта, мен Сенда яхшиликларни қилишни, ёмонликларни тарк этишни, мискинларга муҳаббат қилишни, мени мағфират қилишингни ва менга раҳм қилишингни қачон бир қавмни

фитнага учратишни ирода қилсанг, мени фитнага учрамаган ҳолимда вафот этдиришингни сўрайман. Мен Сендан муҳаббатингни, Сенга муҳаббат қиладиганларнинг муҳаббатини ва Сенинг муҳаббатингга яқинлаштирадиган амалнинг муҳаббатини сўрайман», деб айт», деди»

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, улар ҳақдир. Бас, уларни ёд олинглар ва таълим беринглар, дедилар». Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисга ўхшаш ҳадис аввал ҳам ўтган эди. Ўшанда «Малаъул Аъло»дан мурод фаришталарнинг олий тўплами экани ва бошқа маънолар ҳақида батафсил гап юритган эдик.

Энди ўша гапларни такрорлаб ўтирмай, бу ривоятдаги қўшимчалар, ҳақида сўз юритамиз.

Биринчи ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бамдод намозига бир оз тутилиб қолиб чиққанлари, намозни қандоқ ўқиганлари ва ундан кейин айтган гаплари йўқ эди. Шунингдек, олий тўпламнинг тортишаётган нарсаларида ҳам бир оз фарқ бор. Ҳадиснинг охиридаги Аллоҳнинг сўра, деганидан бошлаб ҳамма гаплар янги.

Ушбу ривоятдан бизнинг ўрганаётган фаслимизга таълуқли жойлари қуйидагилар:

1. Фаришталарнинг гуноҳларини ювувчи нарсалар ҳақидаги гапларидан

«Яхшилик ишлар томон қадам босмоқлик».

Бунга, албатта, қадам босиб жамоат намозига бориш ҳам киради.

«Масжидларда намоздан кейин ўтирмоқлик».

Бу ўтириш, албатта, жамоат намозидан кейин ва янги жамоат намозини кутиш учун бўлади.

«Қийинчилик пайтида таҳоратни яхшилаб қилмоқлик».

Ундан кейин жамоат намози ўқиш учун бўлади.

Шунингдек, олий тўплам фаришталар ажрини тезроқ ёзиб олиш учун шошиладиган нарсаларнинг ичида қуйидаги ишлар ҳам бор:

1. «Таом беришлик».

Муҳтожларга таом беришлик ниҳоятда савобли иш экани маълум ва машҳур. Бу масала кези келганда батафсил ўрганилади, иншааллоҳ.

2. «Юмшоқ сўз бўлишлик».

Бу ҳам улкан фазилат. Ҳар бир мусулмон кишида бўлиши лозим фазилат. Ахлоқ-одоб бобида ўрганиладиган масала.

3. «Кечаси одамлар ухлаб ётганда намоз ўқишлик».

Бунга Хуфтон ва Бамдод намозларини жамоат билан ўқиш ва тунги таҳажжуд намозлари киради.

Мазкур савол жавоблардан кейин Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўзидан бир нарса сўрашни амр этди. Бу сўрашни умумий қилиб қўймай, нимани ва қандоқ қилиб сўрашни ҳам ўргатди. Аллоҳ Ўзининг энг маҳбуб бандасига Ўзи ўргатган дуоси энг марғуб ва энг мақбул дуо бўлиши турган гап. Шунинг учун, бу дуонинг матнини ёдлаб олиб, доимо дуоларимизда ўқиб юришимиз лозим бўлади. Зотан ҳадиснинг охирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам шуни тавсия қилмоқдалар.

Энди ўша Аллоҳ таолонинг Ўзи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга таълим берган дуодаги нарсаларга бир-тўхталиб ўтайлик.

1. «Яхшиликларни қилишни».

Каттаю кичик барча яхшиликларни қилишни Аллоҳдан сўраш, банда томонидан Аллоҳнинг Ўзидан У зотни рози қиладиган амалларни қилишга тавфиқ сўрашдир.

Демак, мусулмон инсон доимо Аллоҳнинг Ўзидан тавфиқ сўраган ҳолида, савобли ишларни қилишга уринмоғи керак.

2. «Ёмонликларни тарк этишни».

Каттаю кичик барча ёмон ишларни тарк этишни Аллоҳдан сўраш, банда томонидан Аллоҳнинг Ўзидан, У зотни норози қиладиган амалларни қилмасликка тавфиқ сўрашдир.

Демак, мусулмон инсон доимо Аллоҳнинг Ўзидан тавфиқ сўраган ҳолида ёмон ишларни тарк қилишга урунмоғи лозим.

3. «Мискинларга муҳаббат қилишни».

Мискинларнинг муҳаббати олий мақомдир. Кишига инсонийлигини эслатиб туради. Мискинларга муҳаббат қилган одам барча инсониятга муҳаббат қилади. Унинг дарду аламидан бохабар бўлади. У билан мусибатларида доимо шерик бўлади. Мискинларга ёрдам бериш орқали улуғ ажру савобларга эришади.

4. «Мени мағфират қилишингни».

Мусулмон одам доим Аллоҳ таолодан мағфират сўраб туриши керак. Бу бандаликни тан олиш, беайб Парвардигорнинг Ўзи эканини доимо эслаб туришдир. Шу ҳис туйғу бўлмаса инсон ғурурга кетади, йўлдан адашади.

5. «Менга раҳм қилишингни».

Аллоҳнинг раҳми бўлмаса, одам боласи ҳеч нарса қила олмаслиги муқарар. Шунинг учун у доимо Аллоҳдан раҳм сўраб турмоғи лозим.

6. «Қачон бир қавмни фитнага учратишни ирода қилсанг, мени фитнага учрамаган ҳолимда вафот этдиришингни сўрайман».

Ислонда ўлим сўраш ман қилинган. Аммо, фитна ўлимдан ҳам бадтар бўлгани учун, фитнага учрашдан қўрққан одамга истисно тариқасида ўлим сўрашга изн берилган.

Аллоҳ таоло Ўзи фитнадан сақласин.

7. «Сендан муҳаббатингни, сўрайман».

Аллоҳнинг муҳаббати мўмин-мусулмон кишининг энг олий ғоясидир. Мўмин қалбда фақат Аллоҳнинг муҳаббати бўлиши керак. Аллоҳнинг муҳаббатида бошқа нарсанинг муҳаббатига қалбида жой қолмаган кишигина бир мақомга эришган бўлади. Бундоқ мақомга эриши учун доимо Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраб туриши керак.

8. «Сенга муҳаббат қиладиганларнинг муҳаббатини».

Аллоҳ таолога муҳаббат қиладиган бандаларнинг муҳаббати ҳам матлуб нарсадир. Банда билан банда орасидаги муносабатда мусулмон инсон Аллоҳга муҳаббат қилган тақводор инсонга муҳаббат қилиши керак. Ана шунда инсонлар орасидаги муҳаббат сўримини ўз ўрнига қўйган бўлади. Бу ишда ҳам доимо Аллоҳнинг Ўзидан ёрдам сўраб туриши лозим бўлади.

9. «Сенинг муҳаббатингга яқинлаштирадиган амал нинг муҳаббатини сўрайман».

Демак, амал билан одам Аллоҳнинг муҳаббатига яқинлашар экан. У амални қилиш учун унга муҳаббат қилиш керак экан. Ўша амалнинг муҳаббатини ҳам доимо Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўраб туриш лозим экан.

Хуллас, ушбу муборак дуони яхшилаб тушуниб ва ёдлаб олиб, чин дилдан ўқиб юришимиз керак бўлади.

ХУЛОСА

Жамоат намози катта ҳикматларга эга ибодатдир.

Жамоат намози мўмин муслмонларнинг орасидаги ижтимоий алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Жамоат намозида иштирок этган кишилар бир-бирлари билан танишадилар, ҳолларидан хабар оладилар. Ичларида бемор бўлганлар, ҳождандлардан хабар оладилар. Бир бирларига ёрдам берадилар. Бир-бирларига таълим берадилар. Ўзаро алоқаларини, муҳаббатларини, ҳамкорликларини ва бошқа муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жамоат намозининг ўрни беқиёсдир.

Ҳозир дунёдаги турли жамиятларда айнан шу муаммоларни ҳал қила олмай хуноб бўлмоқдалар.

Исломда эса, бу муаммо минг тўрт юз йил илгари тақво, одоб ва Аллоҳнинг ибодати асосида осонгина ҳал қилингандир.

Биз муслмонлар бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу билан бирга бунга амал қилишимиз, доимо жамият билан намоз ўқишга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.